**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**
**ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**“КЕЛИШИЛГАН”**
**Ўзбекистон Республикаси**
**адлия вазири ўринбосари**
_______________ **А. Ташкулов**
*2021 йил __7__ январь*

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Адлия вазирлиги қошидаги**
**Юристлар малакасини ошириш**
**маркази директори**
_________________ **А. Рахматов**
*2021 йил __7__ январь*

**“Адлия органлари ва муассасаларига биринчи марта ишга қабул қилинган ходимларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантириш” курси бўйича**

# ЎҚУВ ДАСТУРИ

**ТОШКЕНТ**

Ўқув дастури Юристлар малакасини ошириш маркази Ўқув ва илмий-услубий Кенгашининг 2021 йил 4 январдаги йиғилишида муҳокама қилинган ва маъқулланган *(1-сонли баённома).*

Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 сентябрдаги 544-сон “Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий тизимини жорий эти чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат таълим талаблари”га асосланиб тайёрланган.

**Тузувчилар:** **А. Рахматов** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази директори;

**Б. Тошев** – Юристлар малакасини ошириш маркази Касбий кўникмаларни ривожлантириш кафедраси мудири, ю.ф.д.;

**Ш. Хасанов** – Юристлар малакасини ошириш маркази Фан, инновация ва таълим дастурларини ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи.

**Тақризчилар:** **А. Отажонов** – Юристлар малакасини ошириш маркази директорининг биринчи ўринбосари, ю.ф.д., профессор;

**А. Халтурдиев** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Кадрлар бошқармаси бўлим бошлиғи.

*© Юристлар малакасини ошириш маркази, 2021 йил*

# СЎЗ БОШИ

**Ўқув курсининг долзарблиги.** Мазкур қисқа муддатли ўқув курси Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларига биринчи марта ишга қабул қилинган ходимларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришга замин яратади.

Ўқув курсининг **мақсади** тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларининг касбий фаолиятига оид билимлар ва янгиликлар ҳақида назарий билимлар бериш ҳамда касбий кўникмаларини шакллантириш ҳисобланади.

**Тингловчилар контингенти** – ўқув дастури Адлия органларига ишга биринчи марта янги қабул қилинган ходимларини ўқитишга мўлжалланган.

**Ўқув курсининг ҳажми:** малакаси оширишнинг муддати камида бир ҳафта (36 соат) этиб белгиланади ва ишдан ажралмаган ҳолда амалга оширилади.

**Ўқитиш шакли**: онлайн шаклдаги масофавий таълим.

## ЎҚУВ ДАСТУРИНИ ЎЗЛАШТИРГАН ТИНГЛОВЧИГА БЕЛГИЛАНАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

**Умумий малака талаблари:**

Конституция ва қонунларимизда белгиланган инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига риоя қилиш маҳорати;

ҳуқуқ нормаларини тўғри тушуниш, уни адолат принциплари асосида қўллай билиш маҳорати;

ҳуқуқий маданият савияси ва ҳуқуқий тарбия маҳорати кўникмаси;

юридик фаолият жараёнида ишни адолатли ҳал қилиш, инсонийлик ва қонунийлик омилларини таъминлайдиган бошқа фазилат ҳамда шахсий сифатлари;

юридик муаммоларни холислик билан ҳал қилиш ва баҳолаш қобилиятини шакллантириш, бу борада билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

**Касбий малака талаблари:**

адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ўзлаштириш;

адлия органларида коррупция ва манфаатлар тўқнашувига қарши курашиш ҳамда одоб-аҳлоқ қоидаларига;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва адлия органларида расмийлаштирилган ҳужжатларни тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

адлия органларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш;

адлия органларида меҳнат жамоасини шакллантириш, вақтдан унумли фойдаланиш ва ўзини-ўзи бошқариш борасида билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

**Ўқув курсининг умумий ва ўқув ишлари тури бўйича ҳажми:** ўқув курсини ўрганиш учун 36 соат ажратилган. Аудитория машғулотлари: маъруза – 12 соат, семинар – 12 соат, амалий машғулотларга – 12 соат ажратилган (2 соатлик якуний суҳбат билан бирга).

**“Адлия органлари ва муассасаларига биринчи марта ишга қабул қилинган ходимларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантириш” курсининг**

## МАВЗУЛАР РЕЖАСИ

| № | Модуль ва мавзулар номи | Машғулотларга ажратилган соатлар | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Маъруза | Семинар-тренинг | Амалий машғулот | Жами |
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПФ–5415-сон “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг мазмун-моҳияти | 2 | - | - | **2** |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар | 2 | - | - | **2** |
| 3. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ–5618-сон “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонининг мазмун-моҳияти | 2 | - | - | **2** |
| 4. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг мазмун-моҳияти | 2 | - | - | **2** |
| 5. | Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизими | - | 2 | - | **2** |
| 6. | Адлия органлари ва муассасалари фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалалари | 2 | - | - | **2** |
| 7. | Адлия органларида коррупцияга ва манфаатлар тўқнашувига қарши кураш масалалари ҳамда Давлат органлари фаолиятида “комплаенс назорат” тизимини таъминлаш | - | 2 | - | **2** |
| 8. | Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари | - | 2 | - | **2** |
| 9. | Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш | - | 2 | - | **2** |
| 10. | Мурожаатлар билан ишлаш масалалари | 2 | - | - | **2** |
| 11. | Ижро интизомини таъминлаш, шу жумладан av.ijro.uz тизимида ишлаш масалалари | - | - | 2 | **2** |
| 12. | Адлия органлари ва муассасаларида расмийлаштириладиган иш ҳужжатлари (сўров хати, талабнома, ариза, даъво аризаси, баённома, далолатнома, хулоса ва бошқ.) ҳамда уларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар | - | 2 | - | **2** |
| 13. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, ҳуқуқий, гендер, коррупцияга қарши ва бошқа турдаги экспертизадан ўтказиш, манфаатдор идоралар билан | - | - | 2 | **2** |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | келишиш амалиёти | | | | |
| 14. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, эълон қилиш, ижросини ташкил этиш ва расмий шарҳлаш | - | - | 2 | **2** |
| 15. | Низоларни ҳал этиш технологиялари | - | 2 | - | **2** |
| 16. | Тайм-менежмент: вақтдан унумли фойдаланиш. Селф-менежмент: ўзини ўзи бошқариш | - | - | 2 | **2** |
| 17. | Адлия органларида жамоани шакллантириш масалалари | - | - | 2 | **2** |
| Якуний синов | | - | - | 2 | **2** |
| | **ЖАМИ:** | **12** | **12** | **12** | **36** |

## ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИНГ МАЗМУНИ

**1-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПФ–5415-сон “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг мазмун-моҳияти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПФ–5415-сон Фармони”нинг қабул қилиш сабаблари. Адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг устувор йўналишлари. Туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимларининг асосий вазифалари. Ўзбекистон Республикаси адлия вазири давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ахборот тақдим этиш масалалари. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқаро арбитражлар ва суд ишлари масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида ваколатли давлат бошқаруви органи. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига берилган ҳуқуқлар. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти ҳамда унинг асосий вазифалари.

**2-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг асосий вазифалари. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппаратининг янги тузилмаси. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимининг ташкилий тузилмаси. Барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилиши. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик коллежларига айлантириш масалалари.

**3-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 янқвардаги ПФ–5618-сон “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ни Фармонинг мазмун-моҳияти**

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари. “Юксак ҳуқуқий маданият – мамлакат тараққиёти кафолати” – концептуал ғоя. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг “шахс – оила –

маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият” принципи. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини 2019 йилда самарали амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида мувофиқлаштирувчи давлат органи. Фармондга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига белгиланган қўшимча вазифалар. “Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиси” кўкрак нишони.

**4-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонинг мазмун-моҳияти**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига юклаилган қўшимча вазифа ва функциялар. 2020 – 2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш концепцияси. 2020 – 2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш концепциясини 2020 – 2021 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”. 2020 – 2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармони билан ташкил қилинган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия. Қонуности ҳужжатларининг ҳуқуқий жавобгарлик ва санкция белгиловчи нормаларини қайта кўриб чиқиш дастури. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклига ўтказиш режаси. Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда концептуал жиҳатдан янги механизмларни яратишнинг “пакет” принципи. Адлия вазирлиги марказий аппаратининг янги тузилмаси.

**5-мавзу. Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизими**

Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг яратилиши. Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий хужжатлар. Давлат хизматлари йўналишида қабул қилинган қонунлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг моҳияти. Ўзбекистон Республикасида аҳолига хизмат кўрсатиш марказлари ва уларнинг вазифалари. Давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар турлари.

**6-мавзу. Адлия органлари ва муассасалари фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалалари**

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштириш. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалари нормаларини бажариш юзасидан масъул давлат органлари. Суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш ва “Хабеас корпус” институтини кенгайтириш. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистонда виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини такомиллаштириш. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳамда барқарор ривожланиш соҳасидаги устувор йўналишлар.

**7-мавзу. Адлия органларида коррупцияга ва манфаатлар тўқнашувига карши кураш масалалари ҳамда Давлат органлари фаолиятида “комплаенс назорат” тизимини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг коррупцияга қарши курашиш бўйича фармон ва қарорларининг мазмун-моҳияти. Адлия органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича буйруқларининг мазмун-моҳияти. Адлия органларининг коррупцияга қарши курашишдаги ўрни ва ваколатлари. Манфаатлар тўқнашуви тушунчаси. Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва ҳукумат қарорларида ифода этилиши. Адлия вазирлигининг манфаатлар тўқнашувига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

“Комплаенс” ва “комплаенс тизим” (Compliace Sistem) тушунчаси. Комплаенс тизимнинг жорий этилишининг мақсади, асосий функционал блоклари ва элементлари. Комплаенс тизимини жорий қилишнинг асосий боскичлари. Комплаенс тизимини жорий қилишнинг афзалликлари.

**8-мавзу. Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-аҳлоқ қоидалари**

Адлия вазирлиги тизимига кирувчи барча ташкилотлар (адлия органлари ва муассасалари) ходимларининг касбий одоб-аҳлоқининг нормалари, тамойиллари ва хизматдаги хулқ-атворининг қоидалари. Одоб-аҳлоқ қоидаларида қўлланилган асосий термин ва тушунчалар. Хизматдаги хулқ-атворнинг асосий тамойиллари ва қоидалари. Ўзига бўйсунувчи ходимларнинг ахлоқий хулқатворини шакллантиришда адлия органлари ва муассасаларининг роли. Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг ахлоқ нормалари ва қоидаларга риоя қилиш бўйича мажбуриятлари. Совғалар ва иш муомаласида меҳмондустлик белгилари. Одоб-ахлоқ комиссияси. Одоб-ахлоқ соҳасида қонунбузарликлар ҳақида хабарлар. Қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик.

**9-мавзу. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалалари. Давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим турлари юзасидан маъмурий регламент. Маъмурий регламент ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим турлари юзасидан ўрнатилган маъмурий регламентнинг мазмун-моҳияти. Маъмурий регламент – давлат хизматларидан фойдаланилаётган шахснинг ҳуқук-манфаатларининг бузилишининг олдини олиш.

**10-мавзу. Мурожаатлар билан ишлаш масалалари**

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мақсади ва қўлланилиш соҳаси. Мурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принциплари. Мурожаатларнинг шакллари ва турлари. Мурожаатларга қўйиладиган талаблар. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш тартиби. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар ҳамда уларнинг асосий вазифалари. Халқ қабулхоналарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатлари. Мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби. Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, давлат органларининг, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. Низоларни ҳал этиш. Моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш. Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

**11-мавзу. Ижро интизомини таъминлаш, шу жумладан av.ijro.uz тизимида ишлаш масалалари**

Ижро интизоми тушунчаси. Адлия органлари ва муассасаларида ижро интизомига оид қабул қилинган бошқарув қарорлари. Ижро интизомига қўйиладиган талаблар. “AV-ижро” тизими тушунчаси, бу тизимда ишлаш тартиби ва қоидалари. “AV-ижро” тизимининг афзалликлари.

**12-мавзу. Адлия органлари ва муассасаларида расмийлаштириладиган иш ҳужжатлари (сўров хати, талабнома, ариза, даъво аризаси, баённома, далолатнома, хулоса ва бошқ.) ҳамда уларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар**

Адлия органлари ва муассасаларида расмийлаштириладиган иш ҳужжатлари турлари. Адлия органлари ва муассасаларида расмийлаштириладиган иш ҳужжатларини тайёрлашга (мазмуни, сифати, вақти, муддати, асосланганлиги, ишончлилиги ва ҳ.к.) қўйиладиган талаблар. Иш ҳужжатларини тайёрлаш тартиби ва амалиёти.

**13-мавзу. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, ҳуқуқий, гендер, коррупцияга қарши ва бошқа турдаги экспертизадан ўтказиш, манфаатдор идоралар билан келишиш амалиёти**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини тайёрлаш босқичлари ва жараёнлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий, гендер, коррупцияга қарши ва бошқа турдаги экспертизаси тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини ҳуқуқий, гендер, коррупцияга қарши ва бошқа турдаги экспертизасини ўтказиш услубиётининг мазмун-моҳияти. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келишиш тартиби. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқиш учун киритиш тартиби.

**14-мавзу. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, эълон қилиш, ижросини ташкил этиш ва расмий шарҳлаш**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга мазмунига қўйиладиган талаблар, унинг реквизитлари, расмий матнини тасдиқлаш. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш, уларнинг кучга кириши ва амал қилиши. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва таъминлаш. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш.

**15-мавзу. Низоларни ҳал этиш технологиялари**

Низо тушунчаси. Низоларнинг сабаблари. Низонинг тузилиши. Низо эсколациянинг босқичлари. Низоларда одамларнинг ўзини тутиш усуллари. Медиабеллигини аниқлаш учун низонинг диагностика қилиш. Низоларда манфаат ва позициялар. Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни медиациянинг принциплари, тартиби ва медиацияда ўзини тутиш қоидалари ҳақида.

Медиациянинг турлари ва қўллаш соҳалари. Медиаторнинг ҳуқуқий мақоми. Медиаторнинг роли ва функциялари. Медиатор фаолиятини ташкил қилиш. Коммуникация: тушунчаси ва шакллари. Медиацияда коммуникациянинг хусусиятлари.

**16-мавзу. Тайм-менежмент: вақтдан унумли фойдаланиш. Селф-менежмент: ўзини ўзи бошқариш**

Психология фани ҳақида тушунча. Миллий қадриятлар. Менталитет. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш. Шахс тузилиши ва типлари. Ҳаётий тажриба. Касбий компетентлик. Шахс ва шахслараро муносабатлар психологияси. Психологик алоқа ўрнатиш. Психологик алоқа усуллари ва механизмлари. Психологик тўсиқлар. Психологик ҳимоя механизмлари. Шахслараро муносабат ва мулоқотда хатога йўл қўйиш эҳтимоллари. Низолар турлари. Шахснинг ҳиссий зўриқишли ҳолатлари. Шахс томонидан воқеликнинг субъектив акс эттирилиши. Стресс ҳолатлари ва уларни бошқариш.

**17-мавзу. Адлия органларида жамоани шакллантириш масалалари**

Шахс ва шахслараро муносабатлар психологияси. Психологик алоқа ўрнатиш. Психологик алоқа усуллари ва механизмлари. Шарт-шароитлари. Психологик тўсиқлар. Психологик ҳимоя механизмлари. Психодиагностика. Психокоррекция. Психопрофилактика. Психоконсультация. Психологик маърифат. Ходим шахсини ўрганиш ва унинг индивидуал-психологик хусусиятларидан самарали фойдаланиш. Иш фаолиятида шахснинг ўзини-ўзи бошқариш, ўзини-ўзи баҳолаш, ўзини-ўзи руҳий енгиллаштириш.

## ЎҚУВ ДАСТУРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Ўқув дастури малака ошириш курси бўйича маъруза, семинар, амалий машғулотлар ва бошқа шаклларда ўтилишини назарда тутади. Барча турдаги машғулотлар тренинг шаклда ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Маърузаларда кўриб чиқиладиган саволларнинг асосий илмий-назарий қоидалари ва уларнинг адлия органлари ва муассасалари фаолиятидаги амалий аҳамияти очиб берилади ва мазкур ўқув курси бўйича мавзуий режада назарда тутилган тегишли мавзуларни ўрганиш бўйича тавсиялар берилади.

Семинар-тренинглар давомида тингловчилар ўқув курсининг асосий қоидалари ҳақидаги назарий билимларга ва хизмат фаолиятини самарали амалга ошириш бўйича кўникмаларига эга бўлишлари керак.

Амалий машғулотлар давомида тингловчилар адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг асосий касбий йўналишларига оид тегишли ҳаракатларни бажара олиш кўникмаларига эга бўлишлари лозим ва улар бўйича фикр юритиш мақсадида (масалан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларни тайёрлаш, расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш) амалий топшириқларни бажарадилар. Амалий топшириқларини бажаришда тингловчилар тегишли амалдаги қонун нормаларига, амалий тажрибаси ва ўқув курси давомида олган билимларга таяниб, уларни асослаб бажаришлари керак.

Ўқув курсини ўзлаштиришда тингловчилар Марказнинг Ахборот-ресурс маркази ва кафедраларида мавжуд материаллар: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, дарслик, монография, ўқув қўлланма, амалий қўлланма, илмий мақолалар, маърузалар фонди ва бошқа материаллардан фойдаланишлари мумкин.

Тасдиқланган навбатчилик жадвалига мувофиқ кафедралар профессор-ўқитувчилари тингловчиларга маслаҳатлар бериб борадилар.

Ўқув дастурида тингловчиларнинг дастурни ўзлаштириш даражасини баҳолаш мақсадида якуний синов назарда тутилган.

***Ўқув дастурини ўзлаштириш ва таълим жараёнларини таъминлашга мўлжалланган ўқув ва ўқув-методик материаллар.***

*Ўқув материаллари:*

маъруза фондлари (шу жумладан, электрон шаклдаги) ва ўқув курси бўйича ўқув қўлланма, тарқатма материаллар;

мультимедиа материаллари (слайдлар, презентациялар ва бошқалар).

*Ўқув-методик материаллар:*

тест (ёки назорат саволлари) ёхуд масофавий топшириқлар;

амалий топшириқлар (масалалар ёки казус ва бошқалар).

*Ўқув дастурини амалга ошириш учун зарур техник таъминои:*

шахсий компьютер – ўқитувчининг автоматлаштирилган иш жойи;

“ppt (pptx)”, “doc (docx)”, “xls (xlsx)”, “mp3” ва бошқа форматдаги файллар билан ишлаш учун дастурий таъминотлар;

мультимедиа қурилмаси, экран ёки смарт-телевизор.

## АТТЕСТАЦИЯ ШАКЛИ

Суҳбат шаклидаги якуний синов. Тингловчилардан “TrueConf” ёки “Zoom” махсус дастурий таъминот ёрдамида масофадан туриб реал вақт режимида компьютер орқали суҳбат асосида якуний синовлар қабул қилинади. Якуний синов топшириш тартиби тизимнинг эълонлар бўлимига жойлаштирилади.

## БАҲОЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ

“Адлия органлари ва муассасаларига ишга биринчи марта янги қабул қилинган ходимларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантириш” курсидан суҳбат шаклидаги якуний синовларни (суҳбат қабул қилиш) ўтказиш методикаси ва уларни қабул қилиш учун топшириқ ва саволларни назарда тутувчи, тингловчиларда жавоб варақалари мавжуд бўлиши белгилаб қўйилган методик материаллар.

## АХБОРОТ ВА МЕТОДИК ТАЪМИНОТ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:


1. *Шавкат Мирзиёев.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 692 б.
2. *Шавкат Мирзиёев.* Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 508 б.
3. *Шавкат Мирзиёев.* Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 400 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 24 январь.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи . – 2016. – 7 декабрь.

**Норматив-ҳуқуқий хужжатлар:**


1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2019.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2019.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. – Т., 2019.
5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Т., 2019.
6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси. Расмий нашр. – Т.: “Адолат”, 2018.
7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. – Т.: “Адолат”, 2018.
8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. Расмий нашр. – Т.: “Адолат”, 2018.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири).
10. Ўзбекистон Республикасининг “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ мухокамаси тўғрисида”ги Қонуни.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни.
12. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
13. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни.
14. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири).
15. Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида”ги ПФ-5037-сон Фармони.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон Фармони.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5278-сон Фармони.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2733-сон қарори.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2761-сон қарори.
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тўғрисида”ги ПФ–5505-сон Фармони.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5415-сон Фармони.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–5618-сонли Фармони.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5415-сонли Фармони.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги “Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3662-сон қарори.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3666-сон қарори.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ни ПФ-5618-сон Фармони.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5997-сон Фармони.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сонли Фармони.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сонли Фармони.

34. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 237-II/150-II-сонли Қўшма қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиладиган қонун лойиҳаларини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этилган қонунларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш қоидалари.

35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 469-сон қарори.

36. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги “Қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш бўйича дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторинги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 227-сон қарори.

37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги “Ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали баҳолаш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 328-сон қарори.

38. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 345-сон қарори.

39. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 10-сон, 90-модда) билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг намунавий регламенти.

40. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ–2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.

41. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1013-сон қарори.

42. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Юридик хизмат Фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 19 январдаги пқ-2733-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 250-сон қарори.

43. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2015 йил 25 декабрдаги 384-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиёти" (АВ томонидан 2015 йил 25 декабрда 2745-сон билан рўйхатга олинган).

44. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2018 йил 12 майдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш ҳамда уларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича намунавий "Йўл харитаси"ни тасдиқлаш тўғрисида"ги 278-мҳ-сон буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 майда 3011-сон билан рўйхатга олинган).

45. Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ Қоидалари / Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 24 февралдаги 43-ум-сон буйруғига 1-илова.

**Асосий адабиётлар:**


1. Алимов Ғ.А. Мансабдор шахсларнинг қонунлар ижроси устидан жавобгарликни кучайтиришнинг долзарб масалалари. Хорижий ва миллий тажриба: Монография. – Т., 2017.

2. Бердияров Ш. Юридик техника. Монография. Тошкент: "Наврўз", 2018. – 216 б.

3. Маматов Х.Т. Ўзбекистонда ҳуқуқий маданият ва фуқаролик жамиятини шакллантириш муаммолари. Т.: 2011.

4. Мўминов А., Тиллабоев М. Инсон ҳуқуқлари. Дарслик. /Масъул муҳаррир А.Х.Саидов - Т.: Адолат, 2013.

5. Одилқориев Х.Т, Тошев Б.Н. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий жиҳатлари/ Ўқув қўлланма. –Т., 2019.

6. Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий қадриятлар. Т.: SMI-ASIA, 2010. – 400 б.

7. Отахонов Ф.Х. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган тўртинчи нашри. Тошкент: ТДЮИ, 2010. – 312 б.

8. Отахонов Ф., Мақсудов Д. Ўзбекистонда локал норма ижодкорлиги. Монография. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.–136 б.

9. Отахонов Ф.Х. Шартномалар, даъво аризалари ва ҳакамлик судлари /Амалий қўлланма/ – Тошкент: "Адолат", 2016. – 440 б.

10. Отахонов Ф.Х. Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва юридик хизмат /Амалий қўлланма/ Тошкент: Адолат, 2018. – 84 б.

11. Окюлов О., Отахонов Ф.Х. Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш муаммолари. Монография. Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2010. – 206 б.

12. Соғинов Н.А. Юқори лавозимларга тайинланиш захирасини танлаб олиш ва тайёрлашнинг психологик жиҳатлари. Ўқув услубий қўлланма. –Тошкент, 2010.

13. Хайитов Х. Қонун ижодкорлигида экспертиза институти. Монография. Тошкент: Lesson Press, 2018. – 236 б.

14. Аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Тошкент: Адолат, 2016.

**Илмий мақолалар**

15. Алимов Ғ.А. Хорижий мамлакатлар тажрибасида юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлари учун жавобгарлигининг айрим жиҳатлари / Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси илмий-амалий конференция тўплами. – Тошкент, 2018.

16. Алимов Ғ.А. Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги мамлакатларида коррупцион қилмишлар учун юридик шахслар жавобгарлигининг айрим хусусиятлари/Юрист ахборотномаси: Илмий-амалий журнал. – Тошкент, 2018, № 4. – 58-61 Б.

17. Отахонов Ф.Х. Юридик хизматнинг қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича фаолияти // “Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. – Тошкент: Консаудитинформ–нашр, 2005. – Б. 69–72.

18. Отахонов Ф.Х. Низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари: муаммо ва ечимлар //Низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари – Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮУ, 2016.–Б. 7–15.

19. Отахонов Ф.Х. Актуальные вопросы реформирования системы юридической службы в Узбекистане // Жамият ва бошқарув, 2018. 1-сон, – Б. 113–119.

20. Расулов З. Юридик хизмат самарадорлигини ошириш тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини бевосита ҳимоя қилишнинг бирламчи омилидир/ “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент: ТДЮУ, 2017. – 347–354-б.

21. Файзиев Х. Давлат хизматларини кўрсатишда юридик хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари / “Юридик хизмат ва давлат хизматларини кўрсатиш:асосий йўналишлари ва истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий семинар мақолалари тўплами. Тошкент: 2018.– Б. 47–51.

**Интернет сайтлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: http:// lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайти: www.parliament.gov.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати сайти: www.senate.gov.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали: www.gov.uz
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди сайти www.ksu.uz
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди сайти: www.supcourt.uz
7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги сайти: www.minjust.uz
8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги сайти: www.mvd.uz
9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси сайти: genprok.gov.uz

10. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази сайти: www.nhrc.uz.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) сайти: www.ombudsman.uz

12. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети сайти: http: //www.nuu.uz

13. Тошкент давлат юридик университети сайти: http: //www.tsul.uz

14. Юристалар малакасини ошириш маркази сайти: http://uzmarkaz.uz

## ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ

Ахборот-ресурс маркази ва кафедраларда босма ҳамда электрон шаклда сақланади.